

Бола қандай қилиб ота-онасига оқ бўлади?



14:16 / 14 декабрь 1565

Ота-онага оқ бўлиш оғир гуноҳ эканини кўпчилик билади. Аммо оқ бўлишнинг чегараси, ўлчови, оқ бўлишга сабаб бўладиган нарсалар айнан нималардан иборат экани ҳақида кўпчилигимизда илмий асосланган далил ва ҳужжат йўқ. Кўп нарсалар умумий маълумотлардан нарига ўтмайди. Ушбу сарлавҳа остида келадиган маълумотлар орқали бу мавзуни қўлдан келганича ўрганишга ҳаракат қиласиз.

????? ??????? ?????????????????? ??????? ???????
????????????? ??????????? ?????????? ?????? ??????????????
??????? ??????? ??????? ??????????????: ??? ???????????
??? ??????? ?????? ??? ?????????????? ??????????????????
?????: ??? ?????????????? ?????? ?????????? ????????????

?????? ???? ?????? ???? ?????? ???? ???? ????
????????????? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ???? .

Саъид Мақбурийдан, у Салулийдан Навфал ибн Мусоҳиққа ҳадис айтаётганини эшитди.

«У Каъбул Аҳбордан сўради: «Аллоҳнинг Китобида қайси нарсалар ота-онага оқ бўлиш ҳисобланади?»

«Мен сенга хабар бераман: агар у қасам ичса, бола унга амал қилмаса, сўраганида бермаса, омонат қўйса-ю, қайтармаса ва Аллоҳга ундан (боласидан) кўрган нарсаси ҳақида шикоят қилса, ўшаларнинг ҳаммаси оқ бўлиш бўлади», деди».

Шарҳ: Ушбу ривоятда боланинг ота-онага оқ бўлиб қолишига сабаб бўладиган амаллардан баъзилари зикр қилинмоқда:

1. Ота-она боласи ҳақида қасам ичса, бола унга амал қилмаслиги.

Яъни, ота-она боласини ўртага қўйиб қасам ичди. Улар қасамхўр бўлмаслиги учун бола қасамдаги ишни қилиши лозим. Агар бепарво бўлиб, мазкур амални қилмай, ота-онани танг ҳолга солиб қўйса, уларга оқ бўлади.

2. Ота-она боласидан бирор нарсани сўраса, бола имкони бўлиб туриб, бермаслиги.

Ота-она ҳожатманд бўлибми, кўнгли тусабми ёки бошқа бир сабабданми, боласидан бирор нарсани беришини сўради. Бола ўша нарсани дарҳол, хурсандчилик билан ота-онасига бериши керак. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида айтилганидек, боланинг ўзи ҳам, моли ҳам отаникидир.

Агар бола ота-онаси сўраган нарсани бермаса, уларга ёмонлик қилган ҳисобланади ва бу ёмон иши билан ота-онасига оқ бўлади.

3. Ота-онасининг омонатига хиёнат қилиши.

Ота-она боласига бирор нарсани омонат қилиб топширса-ю, у омонатга хиёнат қилса, ота-онасига оқ бўлади. Бегона, ҳатто ғайридин одамнинг омонатига хиёнат қилиш ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Шундай экан, ота-онасининг омонатига хиёнат қилиш уларга оқ бўлиш учун кифоя қиласди.

4. Фарзанд ота-онаси у ҳақда Аллоҳга шикоят қиладиган иш қилиши.

Яъни боланинг бир қилмишлари борки, ота-онаси уларга чидай олмасдан, Аллоҳга ёлвориб: «Аллоҳим, болам мени шундай қилди», деб шикоят қилса, ўша бола ҳам оқ бўлади.

5. Ота-онага қилиш лозим бўлган яхшиликни қилмаслик «салбий оқ бўлиш» деб аталади. Улардан бирортасини қилмаган одам ота-онасига ўша соҳада оқ бўлаверади.

6. Ота-онага оқ бўлиш амалий ва каломий қисмларга бўлинади. Ота-онага гап-сўз билан озор етказган одам уларга каломий оқ бўлади. Ота-онага бир қилмиши билан озор берганлар амалий оқ бўлади.

Буларга ота-онани малол олиш, уларга дўқ қилиш, ғазаб кўрсатиш, тик қараш каби нарсалар киради.

7. Ота-онага оқ бўлишнинг умумий ўлчови шуки, бегона кимсага қилинса, кичик гуноҳ бўладиган амаллар ота-онага нисбатан қилинганда катта гуноҳга айланади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хulosаси асосида тайёрланган.